


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 20 декабрь, № 245 (5412) Сешанба


## ЕВРОПА МАТБУОТИ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА

***“Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларидан қониқиш ҳосил қилганини изҳор этди”. Яқинда Бельгияда инглиз тилида нашр қилинадиган оммабоп “New Europe” газетасида ана шундай сарлавҳа остида мақола чоп этилди.***

**Биз ва жаҳон**

У мазкур халқаро молиявий муассасанинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлиғи ўринбосари Вероника Бакалу раҳбарлигидаги миссиянинг Ўзбекистонда бўлиши якунларига бағишланган.

Мақолада ХВЖ миссияси ишининг якунлари юзасидан унинг раҳбари баёнот бергани ва глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилгани ёзилади. Нашр сўнгги беш йилнинг ўзида Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоиздан зиёдни ташкил этганини, бу эса Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидагига нисбатан анча юқори кўрсаткич эканлигини ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган.

Шунингдек, “Қатор йиллар мобайнида кузатилаётган бюджет профицити, расмий захиралар юқорилиги даражаси, давлат қарзининг пастлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорлари билан алоқаларга эҳтиёткорлик билан ёндашув мамлакатни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри нохуш оқибатларидан ҳимоя қилгани” тўғрисидаги хулосалар баён этилган.

Мақолада Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 2010 йилда 8 фоизни, 2011 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 8,2 фоизни ташкил қилгани қайд этилади. Бунда, айниқса, хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, ташқи савдо ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори даражаси кузатилгани таъкидланиб, бунинг сабаби иш ҳақи ҳамда нафақаларнинг сезиларли даражада ошгани натижасида намоён бўлган ички истеъмолнинг кучайиши билан изоҳланган. Шу ўринда сармоявий фаолият саноатлаштириш давлат дастури доирасида амалга оширилаётганлиги ҳамда у катта ҳажмдаги тўғридан-тўғри хориж сармоялари билан қўллаб-қувватланаётганлиги ҳам ўз эътирофини топган.

Юқоридагилардан ташқари, нашрда жорий йили Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилган муҳим ташаббуслар ҳақида ҳикоя қилинади.

Мақолада, шунингдек, ХВЖ миссияси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан рўёбга чиқарилаётган янги иш ўринлари ташкил этиш ва ижтимоий ҳимояни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган дастурларни маъқуллаши ҳам билдирилган. Бунда Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича кенг кўламли лойиҳаларни мутлақо тўғри амалга ошираётгани таъкидланади. Банклар капиталлашувининг сезиларли даражада ошгани банк сектори барқарорлигига ҳисса қўшаётгани ҳамда давлат тараққиёт дастурларининг ҳаётга татбиқ қилинишига кўмаклашаётгани алоҳида қайд этилади.

Мақола сўнгида “ХВЖ ислоҳотларни ўтказиш, шу жумладан, техникавий ёрдам кўрсатиш йўли билан бундан кейин ҳам Ўзбекистонга кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди”, дея ёзилади “New Europe” нашрида.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

***Бугун мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Пухта ўйланган ва ҳар томонлама асосланган бундай ўзгаришлар, ислоҳотлар пировардида аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқаролик жамиятининг таркибини ташкил этувчи янги демократик институтлар — кўп партиявийлик тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига хизмат қилмоқда.***

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Шубҳасиз, “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг муҳим воситасига айланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугун мамлакатимизнинг кўплаб қонун ҳужжатларида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Хусусан, касаба уюшмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиб-таомиллари қамраб олинган.

Шунга қарамай, юртимиз соҳага оид қонунчилигида жамоатчилик назоратига тартибга солиш тарзида ёндашилиб, унинг амал қилиш усул ва шакллари ҳамда бошқа таркибий қисмлари меъёрий-ҳуқуқий кўринишида ўз ифодасини топмаган. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

### бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ўзагромашсервис” уюшмаси ҳамда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси раҳбарларининг мазкур корхоналар томонидан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган ишларга оид ахборотлари тингланди.***

**Парламент эшитуви**

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда барча тармоқлар қатори аграр соҳа ривожи, хусусан, уни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти, қўшимча имтиёзлар берилмоқда, зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Бунда соҳанинг ҳуқуқий асоси изчил мустаҳкамлаб борилаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти. Пировардида аграр соҳада замонавий бозор тамойиллари қарор топиб, қайта ишлаш саноати салоҳияти тобора кенгаймоқда. Ҳосилдорлик ва тупроқ унумдорлигини оширишда муайян ютуқларга эришилмоқда. Табиийки, қишлоқ хўжалиги тараққиётида техника ва бошқа асосий воситаларни лизинг асосида етказиб бериш, техник ҳамда сервис хизматларини кўрсатиш, кредитлардан оқилона фойдаланиш, солиқ ва суғурта бўйича тақдим этилувчи кафолат ҳамда преференциялар алоҳида ўрин тутади. Тадбирда мазкур масалалар юзасидан фикр юритилди.

Парламент эшитувида аграр тармоқни юқори самарали техникалар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш, тракторлар ҳамда йиғим-терим машиналари етказиб бериш механизмларини такомиллаштириш борасида кейинги йилларда қатор ишлар олиб борилгани айтиб ўтилди. Маълумки, “Ўзагромашсервис” уюшмаси тизимидаги корхоналар фермер хўжаликларига техник сервис ҳамда механизациялашган хизматларни кўрсатувчи асосий ташкилотлардан ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур тизимда ҳудудий машина-трактор парклари бирлашмалари, туман машина-трактор парклари, таъминот, автотранспорт, техник сервис кўрсатувчи корхоналар, таъмирлаш ва ишлаб чиқариш заводлари, қўшма корхоналар, Қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларини синаш ва сертификатлаш давлат маркази фаолият юритиб келмоқда. Улар замонавий сервис хизмати кўрсатиш, хизмат турларини кўпайтириш, МТПларни модернизация қилиш каби юмушларда ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИҚТИДОР ВА ТАШАББУС ЭЪТИРОФИ

***Юртимизда навқирон авлоднинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш, иқтидорли ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига юксак эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларимиз бугун илм-фан, санъат ҳамда спорт билан астойдил шуғулланиб, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги нуфузли тадбирларда қобилиятларини намоён этишга, олқишу эътирофларга эришаётир.***

**Танлов**




Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, бу каби зукко, интилувчан ёшларни рағбатлантириш борасидаги эзгу юмушларга “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивали ўғил-қизларнинг иқтидорини кенг миқёсда намоён этиш, дунёқарашини бойитиш ва улар қалбида санъатга муҳаббат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Кеча пойтахтимиздаги “Истиқлол” санъат саройида мазкур нуфузли фестивалнинг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир “Фонд форум” ҳамда “Камалак” болалар ташкилоти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кўмагида ташкил этилди.

Аввал хабар қилганимиздек, фестивалда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 26 мингдан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Ёш иқтидор соҳиблари мумтоз мусиқа, миллий чолғучилик, рақс, тасвирий санъат ҳамда адабиёт йўналишларида ўзаро беллашдилар ва улар орасидан энг иқтидорли иштирокчилар якуний босқичга йўлланма олди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● ФАРҒОНА шаҳридаги “Белле пласт” қўшма корхонасида маҳаллий хом ашёдан томёпқичлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Янги линия ишга туширилиши билан 30 киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

● **НАВОИЙ шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Энг яхши ёш журналист” вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Якунда иқтидорли ижодкорларга ҳомийлар томонидан тайёрланган компьютер жамланмалари совға қилинди.**

● ҚЎНҒИРОТ туманидаги 35-сонли умумтаълим мактабида янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 580 миллион сўм сарфланди.

● **БОЁВУТлик тадбиркор Д. Расулова ўзи раҳбарлик қилаётган “Санам-Шоҳсанам” хусусий корхонасида банкнинг 24 миллион сўмлик кредити эвазига ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

● УЗУН туманидаги “Мирқабобо” фермер хўжалиги қошида паррандачилик фермаси фаолият бошлади. Ҳозир 10 киши меҳнат қилаётган жамоада 5 мингтадан ортиқ товуқ парвариш қилиниб, кунига 3,5 минг донагача тухум ички бозорга чиқарилмоқда.

● **Асака туманидаги “Шарқ инвест бизнес” масъулияти чекланган жамиятида йилига 1 миллион донагача қўлқоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди. Айни пайтда 15 нафар чевар меҳнат қилаётган корхонада дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулот савдо тармоқларига етказиб берилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

***Доим эътибор қиламан, Президентимиз ҳар бир чиқишларида, албатта, ёшлар масаласига алоҳида тўхталадилар. Айниқса, “Менинг ўғил-қизларим, фарзандларим” дея мурожаат этганларида, қалбимиз чексиз ғурурга, ифтихорга тўлади. Давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ҳам барчамиз телевидение орқали диққат билан томоша қилдик. Унда билдирилган фикрлар, жумладан, униб-ўсиб келаётган баркамол авлод онгини четдан туриб чалғитишга бўлаётган уринишлар, турли ёт ғоялар ҳақидаги мулоҳазалардан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқардик.***

## ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

**Дил сўзи**

Оталарча кўрсатилаётган бундай беқиёс меҳр, катта ишонч ва рағбатга муносиб жавоб қайтариш, билим ва кучимизга таяниб, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш бизнинг энг катта орзуимиз, шарафли бурчимиздир.

Албатта, ҳар ким ёшлигиданоқ келажаги ҳақида ўйлайди, ўқисам, бирор касбни эгалласам, ишлаб, оиламга нафим тегса, дея ният қилади. Яъни жамиятда ўз ўрнини топишга интилади. Мана шундай ниятлар рўёби, аввало, Асосий Қонунимизда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилган. Хусусан, Конституциямизнинг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”, дея қайд этилган. Бугун таълим даргоҳларини муваффақиятли тамомлаб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш мутахассисларни ўз йўналиши бўйича ишга жалб қилишда ҳам ана шу мезон муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзимдан қиёс. Коллежни битириб, пойтахтимиздаги қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Sharf-Shirin” масъулияти чекланган жамиятига ишга кирдим. Жамоамизда 70 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Цехларимиз жаҳоннинг энг илғор ускуналари билан жиҳозланган. Бугун бу ерда сут, ёнғоқ, какао асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — “Chococream” ва “Chocotella” шоколад пасталари, “Con la Crema” печеньеси, “La Crema” вафли ўрамалари, “Estella”, “Lamore” ва “Morelia” шоколадли конфетлари ҳамда “Donna” сариёғининг харидорлари тобора кўпайиб бораяпти. Маҳсулотларимиз юртдошларимиз дастурхонига зеб бераётганидан фахрланамиз.

Юртбошимиз 2012 йилга мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб ном беришни таклиф этдилар. Ушбу таклифни бутун халқимиз чин дилдан, катта хурсандчилик билан қўллаб-қувватлади. Чунки биз учун оила энг муқаддас маскандир. Ҳар биримизнинг орзуимиз, интилишларимиз айнан оила билан боғлиқ. Унда тинчлик, осойишталик ҳукм сурса, жамиятда ҳам барқарорлик бўлади. Ниятимиз, келгуси йил ҳар бир хонадонга яна кўплаб шодлигу қувончлар олиб келсин.

**Манзура МАҲКАМОВА,**
**Тошкент шаҳридаги «Sharf-Shirin» масъулияти чекланган жамияти ишчиси.**

## Эзгулик ва ободлик манзиллари

**Жорий йилнинг тўққиз ойида 2011 — 2015** йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг ижроси туфайли умумий қиймати **176,4** **миллион АҚШ долларига тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.**

**Бир рақам шарҳи**

*Соҳага жалб этилаётган сармояларнинг кўпайиши халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш имконини бераяпти. Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида Ўзбекистон Миллий автомагистрали участкаларининг дастурда белгиланган объектлари 234,8 километрлик қисмида асфальт-бетон қоплаш ишлари бажарилгани бунинг яққол далилидир. Натижада “Ғузор — Нукус — Қўнғирот — Бейнов” автойўлининг 77,5 километри ва “Тошкент — Ўш” автойўлининг 46,4 километрида режадаги ишлар тўлиқ якунланди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятидаги “Ғузор — Чим — Кўкдала” ва Тошкент вилоятидаги “Гулистон — Оҳангарон” автойўлларида йўл ўтказгичлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

*Шу билан бирга, Ўзбекистон Миллий автомагистрали ёқасида кейинги йилларда кўплаб сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида эса уларнинг ёнига 34 та шундай янги объект қўшилди.*

*Дастур доирасида, шунингдек, янги лойиҳалар асосида 54 километрлик темир йўл тиклангани, 192 та юк ва 7 та йўловчи ташиш вагони тайёрлангани ҳам диққатга сазовор.*

*Буларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисига юқори сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда қўл келмоқда.*

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

## бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Машина-трактор парклари замонавий ҳайдов тракторлари ва бошқа техникалар билан таъминланди, — деди “Ўзагромашсервис” уюшмаси раиси Баҳодир Абдуқодиров. — Кези келганда шуни айтиш лозимки, улар юқори унумли эканлиги, тежамкорлиги билан жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Буни мамлакатимиздаги экин майдонларининг 35 — 40 фоизини шудгор қилиш ва ғалланинг 50 — 55 фоизини йиғиш тадбирлари уюшма тизимидаги корхоналар техникалари ёрдамида бажариб келинаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Парламент эшитувида аграр тармоғи техника воситаларини лизинг асосида харид қилаётганлар учун қатор қулайликлар яратилганига тўхталиб ўтилди. Дастлабки тўлов ва фоиз миқдори бир неча баробар камайтирилиб, лизинг муддати узайтирилгани бунинг яққол мисолидир. Яъни бўнак тўлови техника нархининг 15 фоизи миқдорида бўлгани ҳолда, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ошмайдиган қийматда трактор ва комбайнлар 10 йил муддатга лизинг асосида берилмоқда.

— 2009 йилда 3133 та, ўтган йили 3444 та техника воситаси фойдаланувчиларга етказиб берилди, — деди “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси раиси Нодир Отажонов. — Жорий йилда мазкур кўрсаткич 5393 тани ташкил этиши кутилмоқда. Умуман олганда, ҳозирги кунга келиб лизинг имтиёзларидан баҳраманд бўлган хўжаликлар сони 22 мингдан зиёдга етган бўлса, бу борадаги техника воситалари 36 минг донадан ошиб кетди. Булар, ўз навбатида, фермерларимиз ишига янада унум бағишлаб, агротехника тадбирларини атроф-муҳитга зарар етказмасдан ўз вақтида сифатли бажариш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида инновациялардан унумли фойдаланиш, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишда ўз самарасини бермоқда.

Йиғилишда бу борадаги ишлар сифатини янада ошириш, учраётган муаммоларга ечим топишда тегишли ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди. Чунончи, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

— Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга бериш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, биринчи навбатда, модернизация ва техник ҳамда технологик янгиланиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдухалиқ Джаббаров. — Пировардида деҳқон ва фермерларнинг янги марраларни забт этишга бўлган саъй-ҳаракатлари рағбатлантирилади, иқтисодий манфаатдорлиги оширилади. Бу эса жамиятда, хусусан, қишлоқ жойларда мулкдорларнинг тараққиётни ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланишида айни муддаодир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Алишер Акрамовнинг фикрича, ҳозирги кунда аграр тизимга илғор, юқори самарали ва тежамкор инновацияларни жорий этиш ўта долзарбдир. Бунда тегишли ҳуқуқий-меъёрий механизмларни замон талабларига уйғунлаштириш зарур.

— Зеро, шу асосда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш сифати ошади, балки қишлоқда инфратузилма изчил равнақ топади. Бу эса аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади, — деди у.

— Қишлоқ хўжалиги ривожи аҳолини сифатли, хавфсиз ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутади, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдашев. — Аёнки, бу мақсадга қишлоқ хўжалигини модернизация қилмасдан, техник ва технологик жиҳатдан замонавийлаштирмасдан, айниқса, лизинг тизимини ривожлантирмасдан эришиб бўлмайди. Шундай экан, мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни жадал олиб бориш тегишли қонунчиликни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

— Халқимизда “Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур”, деган ҳикмат бор, — деди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Лобархон Қосимова. — Бинобарин, барча соҳалар қатори аграр секторни ҳам қуввати, иш унуми бўйича бугунги кун талабларига жавоб берувчи техника воситалари билан таъминлаб бориш муҳим саналади. Боиси, миллий иқтисодиётимизнинг бу ажралмас бўғини қишлоқ хўжалиги тараққиётининг зарур омилларидандир. Бу борада хориж компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур жараёнларни қўллаб-қувватлаш, преференциялар кўламини кенгайтиришда тегишли қонунларни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

— Ҳозирги замон технологияларининг энг асосий хусусияти, бу — тежамкорлик ва хавфсизлик, — деди Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзоси Ўктам Отақулов. — Зотан, бу нафақат иқтисодий жиҳатдан камхарж, балки экологик нуқтаи назардан ҳам фойдалидир. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Парламент эшитувида “Ўзагромашсервис” уюшмаси ҳамда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси фаолиятини янада ривожлантириш лозимлиги таъкидланиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан таклиф, тавсиялар билдирилди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлигига урғу берилди.

Айтиш жоизки, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятларида бевосита иштирок этишини таъминлаб, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиб боришдаги имкониятини кенгайтиради. Қолаверса, шу асосда жамоатчилик назоратининг вазифалари аниқ белгилаб берилади.

Бинобарин, қонун лойиҳасида фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахслар томонидан ижросини назорат қилиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахслар томонидан амалдаги қонунчилик нормаларига риоя этилмаганлиги ҳолларини аниқлаши, бундан кенг жамоатчиликни хабардор қилиши, сабабларини бартараф этиши, жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг қарор топишини рағбатлантириши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаши каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Қонун фуқаролик жамияти институтларининг давлат билан ўзаро муносабатларини янада аниқ ва равшан белгилаб беради. Бунда, аввало, фуқароларнинг давлат ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти кенгаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назорати субъектининг шахсий ташаббуси, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаати, жамоатчилик назорати субъектининг қарорига асосан амалга оширилишини кўзда тутиш айни муддаодир. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига белгиланган қонунчилик асосида адлия органлари ва бошқа давлат органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтган ҳамда фаолиятини тегишли ҳудудда амалга ошираётган фуқаролик жамияти институтлари эга бўлади.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ўзини ўзи бошқариш органларига кенгроқ ҳуқуқ берилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, унинг ўрни ҳамда таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги аҳамияти тобора ортиши замонавий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Шу сабабли маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш бугунги кун тақозосидир. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.

Хулоса ўрнида айтганда, фуқаролик жамияти институтлари бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан-да масъулият билан қарайдиган, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда амалий ишлари билан ёрдам беришга шай ташкилотлар мажмуаси сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишда ишончли ҳамкор бўла олади. Бу эса Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда белгилаб берилганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожининг янги босқичини бошлаб беради.

**Қодиржон ОДИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати.**

# БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЧИНАКАМ НАМУНАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда парламент юқори палатаси аъзолари, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда “Маҳалла” хайрия жамғармаси вакиллари иштирок этди.***

**Анжуман**

Анжуманда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларига асосланган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ҳамда ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Унга кўра, жиноятлар таснифи ўзгартирилди, яъни оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имкони кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Юртимизда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилиши ижтимоий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Эътиборлиси шундаки, бу жазо тури хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга қўлланилмайди. Бу борадаги ишларнинг узвий давоми сифатида амнистия тўғрисидаги қарорлар мунтазам эълон қилиб келинмоқда. Яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор шулар жумласидандир.

— Юртбошимиз тақдимномасига мувофиқ қабул қилинган ушбу қарор билан юзлаб маҳбус ва маҳкумлар муддатидан олдин жазодан озод этилади ёки жазо тури енгилроғи билан алмаштирилади, — дейди Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Азамат Бегалиев. — Муҳими, озодликка чиқарилаётган шахслар ижтимоий ҳимояга олиниб, иш билан таъминланади ҳамда тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаниш учун тиббиёт муассасасига юборилади. Шунингдек, уларни касбга йўналтириш ва ўқитиш тадбирлари ҳам назарда тутилмоқда. Жойларда ташкил этилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат комиссиялар ушбу тадбирлар билан шуғулланади.

Йиғилишда қарор ижросини таъминлашга масъул бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, қарор асосида жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни самарали тарзда ҳал қилиш мақсадида тузилган комиссиялар ҳамда ушбу жараёнларда жамоатчилик назорати, очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти ва уларнинг аҳамияти хусусида ҳам ахборотлар берилди. Мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам таҳлил қилинди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Тадбир**

***Бухорода “VI Ибн Сино ўқишлари” республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

## Буюк алломага эҳтиром

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Халқ табобати ассоциацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда юртимизнинг тадқиқотчи олимлари билан бир қаторда, хориждан келган мутахассислар ҳам иштирок этди. Унда Ибн Сино меросининг дунё табобати ривожидаги улкан аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Буюк ватандошингиз Абу Али ибн Сино ҳаёти, ижоди ва бой илмий меросини кенг тарғиб қилиш, унинг таълимоти асосида замонавий тиббиётни юксалтириш борасида ўзаро тажриба алмашдик, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, Франциядаги “Авиценна” ассоциацияси президенти, доктор Марк Боннель. — Ибн Сино бой мероси асрлар оша Европа, жумладан, француз тадқиқотчилари учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуман қатнашчилари аллома таваллуд топган Афшона қишлоғида бўлиб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. Бу ердаги Абу Али ибн Сино музейи ҳамда тиббиёт коллежига ташриф буюрдилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Интилиш**

## Бежирим ва замонавий

***Олмалиқ шаҳридаги “Hiramoti” хусусий корхонасида тайёрланаётган алюмин профилли эшик ва ромлар ўз сифати билан ажралиб туради.***

— Ҳозир корхонамизда 10 нафар маҳаллий йигит-қиз ишлаяпти, — дейди корхона раҳбари Дониёр Мўминов. — Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириш учун банкдан 500 миллион сўм кредит олмоқчимиз. Ушбу маблағ эвазига алюмин ва пластмасса профилларга ишлов берувчи энг замонавий ускуналар харид қилиш ниятидамиз.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳарда 300 га яқин янги тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИДОР ВА ТАШАББУС ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Фестиваль сўнгида эса ғолибларга турли номинациялар бўйича диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Фарзандларимизнинг интилиши, қобилияти, эришаётган ютуқлари юртимиз таълим тизимида изчил амалга оширилган ислоҳотлар мевасидир, — дейди фестивалнинг ҳакамлар ҳайъати раиси Дилдора Жамолова. — Бугун қаерга бормайлик, ёш авлоднинг мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллаши учун замонавий имкониятлар, қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Фестиваль қатнашчилари орасида ҳам республикамизнинг олис туману қишлоқларида ана шундай ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб униб-ўсаётган, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, спорт каби йўналишларда маҳоратли устоз-мураббийлардан сабоқ олиб, ижодий ютуқлар сари интилаётган ўғил-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Тадбирда уларнинг иқтидорига баҳо бериш билан бир қаторда, таниқли санъат усталари бошчилигидаги маҳорат сабоқлари, турли кўргазма ва тақдимотлар ҳам ўтказилди.

Танлов лауреати — Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида жойлашган 24-болалар мусиқа ва санъат мактаби қошидаги “Гулжабил” рақс дастаси аъзолари якуний босқичда дутор, сурнай, дўмбира созларида ижро этиладиган “Лазги”га қойилмақом рақс тушишди. Буни нафақат томошабинлар олқиши, балки ҳакамлар ҳайъатининг эътирофи ҳам тасдиқлаб турибди.

— Биз каби рақс санъатига қизиқадиган болалар фестивалда жуда кўп экан, — дейди гуруҳ аъзоси Дилноза Ражабова. — Танловда қадимий рақсни ижро этганимизда, томошабинлар бизни тик туриб олқишлади. Шундан кейингина ғолиб бўлишга ишончимиз ортди. Энди бундан ҳам катта танловларда қатнашиб, улкан ютуқларни қўлга киритишга ҳаракат қиламиз.

...Шу куни тадбирда “Фонд Форум”, “Меҳр нури” ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг ихтирочилик, фермерлик ва оилавий тадбиркорлик соҳалари бўйича махсус грантлари соҳиблари, шунингдек, “Йил аёли — 2011” танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Мана, тўрт йилдирки, “Йил аёли” миллий танлови “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ташаббуси билан мамлакатимиздаги фаол ва ташаббускор хотин-қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Бу галги танловда ҳам 30 минг нафардан зиёд опа-сингилларимиз ўз иқтидорларини синовдан ўтказишди. Шундан 14 нафар ғолиб кўрикнинг республика босқичига йўлланма олди. Тантанали тадбирда ушбу иштирокчилар орасида мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, “Йил аёли — 2011” танловининг бош соврини соҳиби деб топилган Тамара Қалликиличева (Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори)га “Матиз” автомашинаси топширилди.

Тадбир давомида санъат усталари ва “Янги авлод — 2011” танлови ғолиблари иштирокида якуний гала-концерт намойиш этилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

**Яхши хабар**

# Лойиҳа банк томонидан молиялаштирилди

***Сирдарё туманилик тадбиркор Музаффар Муртазаев саъй-ҳаракати билан автомобилларни сиқилган газ билан таъминлайдиган шохобча қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Мазкур лойиҳа банкнинг 3 миллиард 350 миллион сўмлик кредити эвазига молиялаштирилди. Ушбу “GEO Metan Gaz” корхонасида йилига 1 миллиард 675 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Шуниси диққатга сазоворки, ўн бир ой давомида биргина Сирдарё туманида тадбиркорлик субъектларига 17 миллиард 52 миллион сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 20 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1774,72 | 1 БАА дирҳами | 487,73 | 1 Канада доллари | 1720,33 | 1 Малайзия ринггити | 564,04 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2770,91 | 1 АҚШ доллари | 1791,38 | 1 Хитой юани | 282,04 | 1 Польша злотийси | 517,87 |
| 1 Дания кронаси | 313,12 | 1 Миср фунти | 297,62 | 1 Россия рубли | 56,39 | 1 СДР | 2756,65 |
| | | 1 Исландия кронаси | 14,61 | 1 Украина гривнаси | 224,21 | 1 Туркия лираси | 950,54 |
| | | | | | | 1 Швейцария франки | 1907,14 |
| | | | | | | 1 евро | 2349,31 |
| | | | | | | 10 Жанубий Корея вони | 15,20 |
| | | | | | | 10 Япония иенаси | 229,81 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг

СУЮЛТ. ГАЗ 2332,3 ▲ +18,3 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 207,6 ▲ +7,1 | УН биринчи нав 640,0 ▼ -1,6 | ОМИХТА ЕМ 341,9 ▲ +19,7

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Маҳсулот тури биттага камайди

***АҚШнинг ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб борувчи "Dell" компанияси "Mini" русумидаги нетбукларни ишлаб чиқариш тўхтатилганини маълум қилди.***



— Аслида анча олдинроқ мазкур турдаги маҳсулотни тайёрлашга чек қўйгандик, — дейди корхона вакили. — Чунки ушбу нетбукларимизнинг бозори юришмади. Ҳозир ҳам омборларимизда анча-мунчаси қалашиб ётибди.

Аммо бу билан "Dell" нетбуклари бозоридан бутунлай чиқиб кетмоқчи эмас. Компания анча оммалашган "Latitude 2120" ва "Inspiron Duo" русумли маҳсулотларни тайёрлашда давом этади.

## Ўзини ўзи даволайди

***Олимлар шимпанзеларнинг ҳаёт тарзини кузатиш жараёнида бу жониворлар баъзи ўсимликларни қорин тўйдириш учун эмас, балки тиббий муолажа мақсадида истеъмол қилишини аниқладилар.***

— Инсонлар қадимда ўзларини ўзлари даволаганликлари барчага маълум, — дейди мутахассислардан бири. — Аммо шимпанзеларда ҳам бундай хусусият борлиги бизни ҳайратга солди.

Уларнинг организмини ўрганиш давомида ошқозонида махсус аъзо борлиги маълум бўлган. Бу ерга келиб тушадиган доривор гиёҳлар касалликни даволашга хизмат қиларкан.

## Тошқин келтирган талафот

***Филиппинда юз берган сув тошқини оқибатида 652 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, саккиз юздан ортиқ киши бедарак йўқолган.***



Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат муттасил ёмғир ёғиши туфайли келиб чиққан. Натижада дарёларда сувнинг сатҳи кескин кўтарилган. Бир нечта қишлоқни сув ювиб кетган. Тошқин тунда юз бергани учун кўпчилик ғафлатда қолган. Энг кўп талафотлар Кагаянде-Оро ва Илиган шаҳарларида кузатилди.

## Транспорт қатнови издан чиқди

***Германияда содир бўлган "Йоахим" довули кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарган.***

Табиий офат туфайли бу ерда транспорт қатнови издан чиққан. Жумладан, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Саарбрюкен аэропорти вақтинча ёпиб қўйилган. Франкфуртда эса парвозлар анча кечикиб амалга оширилган. Кайзерслаутерн ва Саарбрюкен ўртасида, шунингдек, Линдауда поездлар қатнови тўхтаб қолган. Жануби-Ғарбий Пфальцда эса электр таъминотида узилиш юз берган. Бундан ташқари, Рейнланд-Пфальц, Эссен федерал ерларида ҳам табиий офатнинг салбий таъсири кузатилган. Мёнхсбергда эса болаларни олиб кетаётган автобус йўл ҳаракати ҳодисасига учради. Кўнгилсизликдан ҳеч кимга зарар етмаган.

## Юрак хуружи туфайли ҳаётдан кўз юмди

***Корея Халқ Демократик Республикаси телевидениесининг хабар беришича, мамлакат раҳбари Ким Чен Ир ҳаётдан кўз юмган.***

Давлат етакчисининг ўлимига юрак хуружи сабаб бўлган. 2008 йили оммавий ахборот воситалари унинг инсультга чалиниб, соғлиғи ёмонлашгани ҳақида хабарлар тарқатганди. Энди давлатни 2009 йилда эълон қилинганидек, Ким Чен Ирнинг ўғли Ким Чон Ин бошқариши эҳтимолдан холи эмас.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШАДИ

***"Мусаффо полимер" масъулияти чекланган жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида санитария-гигиена техника воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.***

**Наманган томонларда**

Шу пайтга қадар ушбу турдаги маҳсулотлар хориждан келтириларди. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда 312,4 миллион сўмликдан ортиқ ювиниш жиҳозлари тайёрлаб, ички бозорга чиқарди. Натижада 60,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта ёнга қолди.

Айтиш жоизки, вилоят бўйича жорий йилнинг тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, 19 та корхонада 38 та лойиҳа амалга оширилиши туфайли 84,4 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга эришилди. Пировардида 6,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тежаб қолинди.

***Чортоқ туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қошида тикувчиликка ихтисослаштирилган "Баркамол шижоатли ёшлар" корхонаси ташкил қилинди.***

# КОЛЛЕЖДАГИ КОРХОНА

Эндиликда бўлажак мутахассислар таълим даргоҳида олган назарий билимларини амалиётда ҳам қўллаш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, ўтган қисқа муддатда коллеж битирувчилари томонидан дастлабки 10 миллион сўмликдан ортиқ бежирим либослар тайёрланди.

Умуман, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида вилоятдаги 69 та касб-ҳунар коллежи қошида кичик корхоналар ташкил қилинди. Улар томонидан 600 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар Бахмал тумани чекка қишлоқлари ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланаётгани, кўплаб саноат корхоналари барпо этилаётгани, ўз навбатида, аҳолининг турмуш маданияти ва ҳаёт даражаси юксалишига хизмат қилмоқда.***

# ТАДБИРКОРЛАР ШИЖОАТИ

## туфайли қишлоқлар янада обод бўлмоқда

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда туманимизда саноат салоҳиятини оширишга қаратилган 200 та лойиҳа ишлаб чиқилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ориф Абдураҳимов. — Уларнинг умумий қиймати 27 миллиард сўмга тенг бўлиб, шундан 9 миллиард 185 миллион сўми банк кредитларидан иборат. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 753 та янги иш ўрни яратилиши, айниқса, қувонарлидир.

Бугунги кунга қадар 150 дан зиёд лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Қолганларини тез кунларда якунлаш мақсадида жойларда иш тобора жадаллаштирилмоқда. Айни пайтда фойдаланишга топширилган корхоналарда 518 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Масалан, Усмат шаҳарчаси фуқаролар йиғинидаги "Самандар Нурмонов" хусусий корхонасида ўсимлик ёғи, "Бахмал — Беккелди" хусусий фирмасида нон ва қандолат маҳсулотлари, "Сарой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Шароф" фермер хўжалигида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. "Рўзи бобо" ва "Маннон бобо" фермер хўжаликларининг сутни қайта ишлаш цехлари ҳам модернизация қилингач, маҳсулот турлари янада кўпайди.

Бундан ташқари, "Агротехсервис" масъулияти чекланган жамиятида катта ҳажмда қурилиш ва қайта реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, қарийб 350 миллион сўм миқдоридаги маблағ ветеринария шохобчаси ва паррандачилик фермаси бинолари қурилишига сарфланган бўлса, маъмурий бино, цех ҳамда молхона тўлиқ таъмирланди. "Дамас" автомашинаси, 500 дона товуқ, 6 бош зотдор қорамол, ветеринария ва паррандачилик жиҳозлари сотиб олинди, томчилатиб суғориш усулида интенсив боғ барпо этилди.

— Ҳозирги кунда жамиятимизда енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш устахонаси, эҳтиёт қисмлар дўкони, ошхона, тикувчилик цехи ҳам ишлаб турибди, — дейди унинг раҳбари Озод Мавлонов. — Шунинг ҳисобига 55 киши ишли бўлди.

Шу билан бирга, Усмат шаҳарчасидаги "Сирли самар" кўп тармоқли корхона фаолияти кенгайтирилиб, бу ерда ғишт заводи ишга туширилди.

Мухтасар айтганда, Бахмал туманида тадбиркорлик ҳаракати ривожланиб, ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Уларнинг бетимсол ғайрат-шижоати туфайли янги корхоналар барпо этилиб, кўплаб иш ўринлари яратилаяпти. Буларнинг бари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имконини бераётир.

**Абдурасул САТТОРОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●


Ҳурматли юртдошлар!

**«АСАКА» банки (ОАЖ)**

жамоаси сизларни кириб келаётган 2012 йил билан чин қалбдан табриклайди

**ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

**«Янги йил — 2012»**

**Сақланиш муддати — 15 ой. Ҳисобланган фоизлар ойма-ой ёки омонат ёпилган (15 ой)дан сўнг берилади.**

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1713R/10



"Росагропромснаб" МЧЖ

**ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**ЭЛЕКТРОН ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**

**УБСГ 001 (G4, G6, G10), АГАТ (G16, G25), ГОБОЙ-1 (G10, G25, G65)**




- 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача **БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**

Маҳсулот сертификатланган.

**Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй. (мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)

1626R/1788



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1533R/1304



**ТАРОЗИЛАР** **Micros®**

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К Акциядорлик жамияти

**0,0001 гр дан 250 тоннагача**




**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (998 71) 281-43-64, факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (патент идораси), тел.: 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

1625R/920


"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ жамоаси Юридик бошқарма бошлиғи Бахтиёр Усмоновга отаси **Маҳамажон УСМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O`zbektelefilm" давлат унитар корхонаси жамоаси дубляж студиясининг олий тоифали режиссёри **Камолиддин УСМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 758,7 ▼ -46,2




МОТОР МОЙИ М14 В2 2289,0 ▲ +850,8




БЕНЗИН АИ-80 3311,9 ▼ -91,6




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2685,9 ▲ +65,5

# ВАТАННИ УЛУҒЛАШ САОДАТИ

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб нашр этилган “Ватан учун яшайлик” ва “Кафтдаги ниҳол” китобларининг тақдимот маросими ўтказилди.***

**Маънавият**

Анжуманда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда адабиёт аҳлини, хусусан, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ижод қилишлари учун шарт-шароит яратиш, қисқача айтганда, миллий адабиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай эътибор натижаси ўлароқ, Ватанни мадҳ этувчи кўплаб ижод намуналари яратилиб, ўқувчиларга тақдим этилаяпти. “Адиб” нашриётида чоп этилган **“**Ватан учун яшайлик” ва “Кафтдаги ниҳол” асарлари ҳам шу каби китоблар сирасига киради.

— Уюшмамиз томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, она-диёримизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар, замондошларимиз сиймолари акс эттирилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарлар бўйича “Ватан учун яшайлик” танлови ўтказилганди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид. — Бу танловда юртимизнинг барча ҳудудларида ижод қилаётган адибларимиз фаол қатнашди. Мазкур китобдан ана шу танлов ғолибларининг ижод намуналари ўрин олган. Айни чоғда ушбу китобга устоз адибларимизнинг ҳам Ватан мавзуидаги сара асарлари киритилди.

“Кафтдаги ниҳол” номли китобдан униб-ўсиб келаётган навқирон қаламкашларнинг наср, назм ва адабиётшуносликка оид машқлари жой олган.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Ижод” фонди фаолияти, яқин истиқболдаги режалар хусусида ҳам маълумот берилди.

**З. ХОЛТЎРАЕВ.**

---

**Туҳфа**

# «Алпомиш»нинг янги нашри

***Жаҳон халқлари эпик поэзиясининг гултожи бўлмиш “Алпомиш” достони миллий ифтихоримиз рамзи саналади. Зеро, унда халқимизнинг узоқ ўтмиши, эр йигитга хос ғурур ҳисси, бағрикенглик ва жўмардлик хислатлари ўзига хос оҳангу мазмунда ифода этилган.***

Маълумки, асар неча бор нашр этилмасин, унинг ҳар бири илму адаб аҳлида зўр қизиқиш уйғотиб келган. Хусусан, яқинда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ва “Art flex” нашриёти ҳамкорлигида “Алпомиш” достонининг янги нусхаси чоп этилди. Мазкур китоб ўзига хос дизайни ва юксак сифати билан алоҳида ажралиб туради. Унинг муқова ҳамда ички бетларидаги нақшу нигор услубида ишланган суратлар Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков қаламига мансуб.

Достон матнини филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев нашрга ҳозирлаган. Олим ёзган муқаддима, луғат ва мукаммал шарҳлар ўқувчининг асар мазмуни ҳамда бадиий-эстетик қимматини теран англашига яқиндан кўмак бериши, шубҳасиз.

**Ҳ. ҲОМИДОВ.**

---




2011 йил 15 декабрь куни

**Fitch Ratings**
Халқаро рейтинг агентлиги

**«Ўзсаноатқурилишбанк»**
очиқ акциядорлик тижорат банкининг

барча рейтингларини
**«БАРҚАРОР»**
истиқболи билан қайта тасдиқлади.

1717R/1454



• Реклама ва эълонлар •

***Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2011 йил 23 декабрь куни соат 10.00 да 2011-2012 ўқув йили битирувчилари учун**

**«КАРЬЕРА КУНИ»ни**

**ўтказади.**

***Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:***

- бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари бўйича университет битирувчиларининг махсус, касбий ва малакавий билимлари, қобилиятлари ҳамда малакалари тақдимоти;
- вазирликлар, идоралар, қўмиталар ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ва валиклари ҳамда тадбиркорлар билан университетнинг 2011-2012 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича музокаралар олиб бориш;
- ўқув режаларига асосан, ўқитувчилар, талабалар ва магистрларнинг, шунингдек, компаниялар ва талабаларнинг ўз ташаббуслари билан йўналишлар, дастурлар, малакавий амалиётлар мавзулари, стажировкаларини корхоналар ва ташкилотларда ўтказишни муҳокама қилиш;
- битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ҳамда докторлик диссертациялари мавзулари ва йўналишларини корхона ҳамда ташкилотларнинг аниқ эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиш;
- кадрларга буюртма берганлар билан университет ўртасида аниқ интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари, фундаментал ва илмий маҳсулотлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш;
- иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура битирувчилари ўртасида ишга жойлаш бўйича тўғридан-тўғри узоқ муддатга мўлжалланган алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш.

**Тадбир ўтказиладиган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, Бош ўқув биноси.**
**Маълумот учун телефон: маркетинг бўлими (+ 99871) 239-28-77.**

1714R/1420


## ОБ-ҲАВО
**(20 декабрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 14-19, кундузи 7-12 даража совуқ бўлади.

**Бухоро, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 6-11 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 15-20, кундузи 7-12 даража совуқ бўлади.

**Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда бир оз қор ёғиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 6-11 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ ўртасида бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 6-11 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ ўртасида бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Эрталаб бир оз қор ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 9-11, кундузи 4-6 даража совуқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


***Лойиҳа институти ва лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари диққатига!***

**ДАТ «Асака» банки (ОАЖ) Сурхондарё вилояти филиали**

**Термиз шаҳрининг А. Навоий кўчасида замонавий архитектура талаблари асосида қурилиши режалаштирилаётган 3 қаватли, 32 хонадонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси билан тураржой биноси қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш мақсадида ўтказиладиган танловда қатнашишга таклиф этади.**

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш муддати — танлов савдоси ўтган санадан бошлаб 30 кун (якшанбадан ташқари).

Топатасвир, МРТ (АПЗ), геология ва АМУРТБ лойиҳаси буюртмачи томонидан тақдим этилади.

***Танловда иштирок этадиган ташкилотлар диққатига!***

**Танловда талаб этиладиган ҳужжатлар:**

— *лойиҳа ишларини бажариш учун лицензия:*
— *ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот;*
— *доимий ва вақтинчалик ишлайдиган муҳандис-техник ходимлар ва мутахассисларнинг сони тўғрисида маълумот;*
— *оргтехникалар мавжудлиги тўғрисида маълумот;*
— *лойиҳа ташкилотининг кейинги 3 йиллик (2009, 2010, 2011 йиллар) фаолияти тўғрисида маълумот;*
— *лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли тайёрлаш бўйича кафолат хати;*
— *2-пакет лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш нархи ва муддати.*

***Танлов савдоси «Асака» банки вилоят филиали биносида ўтказилади. Танлов савдосини ўтказиш вақти тўғрисида қўшимча хабар берилади.***

**Телефонлар: (8-376) 770-82-11, 770-82-20, 770-82-16, (8-371) 150-82-11.**

1715R/1456





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +1,0




ШИФЕР (1 лист) 12951 ▼ -1692




ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +2,4


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5